

02127 - сонли

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ШАРТНОМАСИ

Наманган ш.

«13» феврал 2022й.

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган Наманган вилоят оғахонаси номидан НИЗОМ асосида ҳаракат қиладиган директори Б. Қасемов бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 декабрда берилган 00222-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган «Кафолат суғурта компанияси» АЖ Наманган шаҳар бўлими номидан 2021 йил 12 октябрда берилган 03-18/2544-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қиладиган бўлим бошлиғи Ё.Нугманов, орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар,

1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. Суғурта пули ва суғурта мукофоти

2. Суғурта пули ушбу шартнома бўйича 1263086 (Бир миллион сўмни, шу жумладан дафн этиш харажатлари 810 000 сўмни ташкил этади. икки юз етти миң уз миңга саксон етти)
 3. Суғурта мукофоти ушбу шартнома бўйича 1263086 сўмни ташкил этади.
 4. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб ва ҳудудий ғазначилик бошқармаси рўйхатидан ўтганидан сўнг кучга киради ва 1 (бир) йил мобайнида амал қилади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охириги санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.

6. Суғурта мукофоти иш берувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маблағларининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;
 суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайганда суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий суғурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;

суғурталовчини ишлаб чиқаришда бахтсиз ходиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилиши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асосиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни қўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асосланган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Якуний қоидалар

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби суғурта бўйича эъгирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:


Суғурталовчи:

«KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» AJ
 Наманган шаҳар бўлими
 Наманган шаҳар Хуррият 22
 АТ Халқбанк Наманган вилояти филиали
 МФО 00711
 х/р: 20216000301026958017
 ИНН 200057571 ОКОНХ 96210
 Telefon: (69) 227-01-95 , 227-11-35


Иш берувчи:

Нам. вилоят Стоял-Я пол-каси
 Нам. ш., 2-пр., С. Ахмедовий кўчаси Нуъи
 ш.х/в: 40142(860144014072261054001
 ИБ. ББ. ХККМ Тошкент. ш.
 ИФФ: 00014 ИНН: 200056724 ОКОНХ: 9154
 Ҳўд. Рес. Молия Вазирлиги Фаъна-ш
 х/р: 23402000360100001010
 Фаъна ИНН: 201122919

Суғурталовчи номидан:


 ИМЗО/М.П.
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.
 (ИМЗО)

Иш берувчи номидан:


 ИМЗО/М.П.
 Б. Қасимов
 (Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIIYA VAZIRLIGI

Sug'urtalovchilar va sug'urta brokerlarining
sug'urta faoliyatini amalga oshirishga

LITSENZIYA

Seriya SF

00222 -son

O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining 20 07 yil " 25 " mart dagi

7-SF -sonli buyrug'iga asosan mazkur litsenziya "KAFOLAT sug'urta
(litsenziya egasining to'liq nomi)

kompaniyasi" aksiyadorlik jamiyati ga

umumiy sug'urta sohasida majburiy va ixtiyoriy shakllarda quyidagi klasslar:

1-klass – Baxtsiz hodisalardan ehtiyot shart sug'urta qilish;

2-klass – Kasallikdan ehtiyot shart sug'urta qilish;

3-klass – Yer usti transport vositalarini sug'urta qilish;

4-klass – Harakatlanadigan temir yo'l tarkibini sug'urta qilish;

5-klass – Aviatsiya sug'urtasi;

6-klass – Dengiz sug'urtasi;

7-klass – Yo'ldagi mol-mulkni sug'urta qilish;

8-klass – Mol-mulkni olovdan va tabiiy ofatlardan sug'urta qilish;

9-klass – Mol-mulkni zarardan sug'urta qilish;

10-klass – Avtofuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;

11-klass – Aviatsiya sug'urtasi doirasidagi javobgarlikni sug'urta qilish;

12-klass – Dengiz sug'urtasi doirasida javobgarlikni sug'urta qilish;

13-klass – Umumiy fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;

14-klass – Kreditlarni sug'urta qilish;

15-klass – Kafillikni (kafolatlarni) sug'urta qilish;

16-klass – Boshqa moliyaviy tavakkalchiliklardan sug'urta qilish;

17-klass – Huquqiy himoya qilish bilan bog'liq xarajatlarni sug'urta qilish

bo'yicha sug'urta faoliyatini amalga oshirishga ruxsat etiladi.

Litsenziya egasining manzili (pochta adresi): O'zbekiston Respublikasi, 100000,
Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shox ko'chasi 13, 13 "A"-uy

Litsenziya egasining soliq to'lovchi sifatida identifikatsion raqami: 202288236

Litsenziya berilgan sana: 20 17 yil " 11 " dekabr

Reyestr bo'yicha tartib raqami: 216

Mas'ul shaxs: Karimov A.R.

(F.I.SH.)

(imzo)



(Handwritten signature)



№ 00222



Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами № _____

№ 999

2015 й. 19 июнь

Мазкур гувоҳнома "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" aksiyadorlik jamiyati,

қисқа номи эса "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ

бўлган юридик

(давлат тилидаги тўлиқ номи)

шахсга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилди.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

ТХШ

153

Мулкчилик шакли:

МШ

144

Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига почта манзили:

МҲОБТ

1726266

Юридик шахс коди:

КТУТ

16596762

Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига асосий фаолият тури коди:

ХХТУТ

96210

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

СТИР

202288236

Қўшимча ҳужжатлар

Жамият аввал Адлия вазирлиги томонидан 27.05.1997 йилда 999-сон

реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ваколатли ортиқ раҳбари

Икрамов Музраф Мубаракходжаевич

(имзо)

